

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

496 Энергетик корхоналар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1341-1*

(2011 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сонли «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 301-модда) мувофиқ Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг 2004 йил 12 мартдаги 107, 29/9-120-сонли қарори (рўйхат рақами 1341, 2004 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон, 194-модда) билан тасдиқланган Энергетик корхоналар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Электр энергетикада
назорат бўйича давлат
инспекцияси бошлиги**

А. НИМАТУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 25 октябрь,
22-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 25 октябрь,
11-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.